

Burch va majburiyat

Маъмурий назорат

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, шундай таъсир чораларидан бири ҳисобланган маъмурий назорат ўрнатишга доир асосий қоидалар амалдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишга шахсларнинг устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида"ги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топган. Мазкур қонунга асосан, маъмурий назоратнинг асосий мақсади муқаддам судланганлар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқатворини ижобий томонга шакллантиришдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маъмурий назоратнинг ўрнатилиши ва амалга оширилиши назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги, унинг инсоний кадр-қимматини камситмаслиги, иш, ўқиш ҳамда истиқомат жойида обрўйини тўқмаслиги лозим.

Маъмурий назорат судьянинг қарори билан олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилди. Назорат остидаги шахс белгиланган вақт мобайнида тузалиш йўлига ўтмаган, жамоат тартибни бузган ёхуд жиноятнинг мажбурий қарорини бажармаган тақдирда маъмурий назорат муддатини узайтиришга йўл қўйлади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Термиз туманида яшовчи Қўчим Маманов (исм-шарифлар шартли) жиноий қилмишлари учун икки марта судланган. Аммо ўши бир жойга бориб қолган бу кимса ўзига берилган тегиш жазодан тўри хулоса чиқариш ўрнига кунора спиртли ичимлик истеъмол қилиб, жамоат тартиб-қоидаларини бузиб келган.

Суд тайинланган жазолардан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна ҳуқуқбузарликлар содир этган К.Мамановнинг қайта жиноий қилмиш содир этишининг олдини олиш мақсадида унга нисбатан олти ой муддатга маъмурий назорат ўрнатиш ҳамда муайян чекловлар татбиқ этиш

лозим, деган тўхтамга келди. Айтиш керакки, ҳаётда маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида расмий равишда огоҳлантирилганига қарамай, ўз зиммасидаги мажбуриятларни унутиб қўйдиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, Термиз туманининг "Орол" маҳалласида истиқомат қилувчи, муқаддам судланган Шокир Муродовга жиноят ишлари бўйича Термиз тумани суди томонидан олти ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, бунда унинг ҳар ойнинг муайян саналарида рўйхатдан ўтиш учун туман ички ишлар бўлимига келиши, кеч соат 20.00 дан эрталабки 6.00 га қадар уйда бўлиши белгиланган.

Афсуски, Ш.Муродов белгиланган муддатда рўйхатдан ўтиш учун ички ишлар бўлимига сабабсиз келмаган ва бу билан у Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган.

Бироқ Ш.Муродов маъмурий жавобгарликка тортилганига қарамай, белгиланган вақтда яшаш жойида бўлмаган. Аниқроғи, ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширув асносида Ш.Муродовнинг уйда эмаслиги аниқланган. Шунга кўра, Ш.Муродовга нисбатан Жиноят кодексининг 226-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилиб, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг ҳукми билан унга қонуний жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий назорат шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчлик-осойишталикни маъмурий ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, муқаддам судланган шахсларнинг такроран жиноят содир этишига йўл қўймаслик, ҳалқимиз ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Дилшод ЭШМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Сурхондарё вилояти
судининг судьяси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бош қомусимизнинг амал қилиши барқарор конституциявий тартиб ўрнатишга хизмат қилди. Давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси — ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи асосида давлат органлари тизими шакллантирилди. Ушбу конституциявий тамойилни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳокимиятлар ўртасида ўзаро муносабатлар механизмининг самарали амал этишини ва манфаатлар мувозанатини таъминлади.

Айтиш керакки, ўтган даврда қонун чиқарувчи ҳокимият тубдан ислоҳ қилинди. Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши қонун ижодкорлиги сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишга хизмат қилди. Таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари билан ташкил топган юқори палата — Сенат ҳудудлар манфаатларини ифода этмоқда, қўйи — Қонунчилик палатаси эса, ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширяпти.

Конституцияимизга асосланган қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фа-

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 21 yilligiga

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

ҳолда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг ҳар тарафлама камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланди.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган 6000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Бош Қомусимиз

аҳоли бандлиги 2,5 фоиз, иш ҳақи 17,3 фоиз, пенсиялар ўртача ҳажми 27,8, аҳолининг жами реал даромади эса, 15,9 фоизга ошди. Кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ 5,5 мингта уй фойдаланишга топширилди.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан эътиборан мамлакатимиз-



да "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиши жараёнлари тобора фалоллашиб бораётгани чет мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, халқаро ҳуқуқий нормаларни жорий этишни ҳам тақозо этади. Парламент томонидан халқаро ҳужжатларни ратификация ва денонсация қилиш бўйича қабул қилинган қонунлар шу мақсадни кўзлайди. Бу халқаро ҳужжатлар орасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар соҳасидаги энг муҳим халқаро шартномалар алоҳида ўрин олган.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат қурилуши янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда жамиятнинг модернизация қилишнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Мазкур концепция асоси-

да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Конституцияга давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг аниқ ва тизимли ҳуқуқий механизмининг тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилинган ҳолда парламент ҳокимиятининг амалий роли ҳам кучайтирилмоқда. Бу, энг аввало, қонун ижодкорлигида ўз ифодасини топмоқда. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати тубдан яшиланди. Уларда умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик самарали таъминланмоқда.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари пухта ва чуқур асосланган бўлиши учун сўнги вақтларда уларни тайёрлашда халқаро ҳуқуқ, чет эл қонун ҳужжатлари нормалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг қиёсий таҳлили ҳисобга олинмоқда. Парламент Қонунчилик палатаси кўмиталарида қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда экспертлар,

олимлар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари вакиллари иштирок этмоқдалар.

Қонун ижодкорлиги фаолиятига жевосита аҳолини кенгроқ жалб этиш мақсадида қонун лойиҳалари корхона, ташкилот, муассасалар, маҳаллалар, ўқув юртимларида маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаларини тайёрлашда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада ортди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши жамиятнинг муайян сиёсий қатламларнинг манфаатларини ифода этадиган гоилар, дастурий ва зифаларнинг ҳаётга татбиқ этиш кафолати бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг чинакам халқчилиги, изчил демократик хусусияти, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлиги мамлакатимизда кенг кўламли тизимли ва изчил ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати сифатидаги ролини кучайтирмоқда.

Президентимиз "Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" эканлигини алоҳида тавсифлашга эди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар таҳлили Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг конституциявий модели мамлакат ривожланишида ягона тўғри йўл бўлганлигидан далолат бериб турибди.

"Туркистон-пресс"
НАА шарҳловчиси
Улугбек АСРОҚОВ
ёзиб олди.

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи

лари беришга келишган.

Жавобгарлар даъвогарни пул эвазига мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйди. Давлат нотариал идорасида жавобгарлар номига даъвогарга тегишли бўлган уй-жойини сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома ҳам расмийлаштирилди. Бу ҳам етмагандек, даъвогардан 2,4 минг АҚШ доллари қарз олгани ҳақида тилхат ҳам ёздириб олинган.

Даввогар олган пулларини тўлиқ қайтарган бўлса-да, унга тегишли бўлган уй-жой ишончнома ва тилхатдан фойдаланилган ҳолда жавобгарлар томонидан ўн миллион сўмга давлат нотариал идорасининг олди-сотди шартномасига асосан, жавобгар М.Ортиқовага сотилган ва тегишли тартибда давлат рўйхатида олинган ҳамда гувоҳнома берилган.



қат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ортди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принциплар қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституцияимиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, амалларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Конституцияимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий кафолатлардан келиб чиққан

мамлакатни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантиришнинг "Ўзбек модели"ни яратиш ва уни изчил ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам ҳуқуқий асос вазифасини ўтади.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар ҳам Асосий Қонунида мутасаммадан таъминланган таъминлаш туғайлидир. Биргина жорий йилнинг 9 ойи мобайнида аҳоли фаворонлиги йўлида эришилган ютуқларимизнинг ўзи бунга мисол. Хусусан, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 833,4 мингта иш ўрни яратилди. Шунингдек, 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида аҳоли иқтисодий фаоллигининг ўсиши натижасида мамлакатимизда

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мустақкам ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, улар амалда фуқаролар манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, ўзаро муносабатларда амал қиладиган шартнома шакллари яратилгани бу жараёнда тенгликни таъминлаш, томонларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга замин яратмоқда.

Шундай шартномалардан бири қарз шартномаси бўлиб, Фуқаролик кодексининг 733-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Тарафлардан бири юридик шахс бўлганда эса, суммасидан қатъи назар, шартнома ёзма шаклда тузилиши лозим.

Фуқаролик қонунчилигида қарз муносабатларини нафақат қарз шартномаси тузиш орқали, балки бошқа ҳужжатлар тузиш йўли билан ҳам расмийлаштириш мумкинлиги белгиланган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма

ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Ҳаётда баъзан фуқаролар ўртасида дастлаб ўзаро келишилган ҳолда қарзга пул олиш, кейинчалик пулни ўз вақтида қайтара олмагани туғайли қарз олганлиги ҳақида тилхат ёзиб бериш, тилхатда кўрсатилган муддатда қарзни қайтара олмаса, ўзига тегиш-

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, суғурта товонини олиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Ж.ЁҚУБОВ,
Денов тумани

— "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига асосан, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берганда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш талаби кўрсатилган ёзма шаклдаги ариза билан куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда суғурталовчига мурожаат этади:

- иш берувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхаси;
- ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг кўчирма нусхаси;
- суғурта ҳодисаси юз берганидан қадар ходим олган ўртача ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси ва наф олувчининг зарарнинг ўрни қоплашига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

Саволга ҳуқуқшунос С.С.Нийёзова жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бинобарин, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида амалга оширилади.

Ошкоралик принципи моҳият-эътибори билан фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилишини таъминлайди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этишда ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилишини таъминлайди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этишда ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилишини таъминлайди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этишда ўтказиш очик ва ошкора амалга оширилишини таъминлайди.

Муқобиллик принципи эса, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилишида яққол намоён бўлади.

Ўз навбатида, тенг сайлов ҳуқуқи принципи ҳам сайлов жараёнида муҳим ўрин тутди. Зеро, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг (фуқаролар вакиллари йиғилишининг) ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга бўлади.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, фуқаролар йиғинини чақириш имкони бўлмаган тақдирда эса, фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Бундан ташқари Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даври-

да тузилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар

нинг депутати киритилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини органларнинг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари

гиланади. Колаверса, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилиб, овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг юқорида кўрсатилган ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда 2013 йил 12 сентябрдаги Олий Мажлис Сенати Кенгашининг **"Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказиладиган бўлди ва ушбу сайловларда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштириладиганлиги кўрсатилди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли тобора ошиб бораётганлигидан, энг асосийси, маҳалла фуқаролар йиғини жамият ва давлатнинг энг асосий таянч нуқталаридан бирига айланиб бораётганлигидан далолат беради. Бу улкан жараёнларда янги тахирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари тўғрисида"ги қонун муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда сайлов ҳуқуқларининг тўлиқ қафолатлангани мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, фуқароларнинг жамият бошқарувидаги фаоллигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Зафар РЎЗИЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқлари Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Jarayon
Миллий сайлов тизими демократиянинг муҳим кўзгуси



худудда тегишнча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари тузилади.

Ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Мазкур ишчи гуруҳ таркибига, қанда тарихида, фуқаролар йиғинининг, тегишли худудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгаши-

ишчи гуруҳ таркибига киритилиши мумкин эмас.

Албатта, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегишли худудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ховлилар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакилиги инобатга олинган ҳолда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари йиғилиши) томонидан бел-

Islohot va samara

E-SUD — ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу, ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган муносабатларни ортиқча овозгарчиликларсиз ҳал этиш имконини берди.

Ана шу ўзгаришларнинг мантикий давоми сифатида 2012 йил 2 августда давлатимиз раҳбарининг **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ҳамда 2012 йил 10 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг **"Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланди.

Оқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси ҳамкорлигида "Фуқаролик суд ишлари" кўшма лойиҳаси доирасида E-sud — электрон судлов тизими ишлаб чиқилди. Уни ишлаб чиқишда Жанубий Корея, Малайзия каби давлатларнинг амалий тажрибаларидан кенг фойдаланилди.

Ушбу лойиҳа мамлакатимиздаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг институционал асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. E-sud тизими жорий этилган, интерфаол суд хизмати йўлга қўйилиб, жойлардаги орқича сансалорликлар бартараф этилди.

Шу ўринда E-sud тизимининг ишлаш тартиби ва имкониятлари ҳақида тўхталиш ўринли. Масалан, тизимнинг "Суд портали" фуқаролик ишлари бўйича судларга интернет орқали даъво аризалари билан муносабат қилиш имкони беради. Тизимга кириш ва ундан фойдаланиш учун эса, фойдаланувчи электрон-ракамли имзо ёки ID.UZ тизими орқали рўйхатдан ўтиши ҳамда шахсини тасдиқлаши лозим.

Судга даъво аризаси билан муносабат қилишни истаган фуқаро тизимга кириб, ўз даъвоси бўйича қандай ҳужжатлар илова қилиниши лозимлиги, уни расмийлаштириш тартиби, давлат божи миқдори ва бошқалар ҳақида маълумот олиши мумкин. Хусусан, тизимнинг ўзи фуқаро даъво турини танлаши билан низоли судда қўриб чиқиш учун лозим бўлган маълумотларни — тарафлар, миқдор, меҳнат шартномаси ва бошқа ҳужжатларни сўрайди.

Шунингдек, даъво аризаси топширилгач, суд томонидан қўриб чиқишга қабул қилинган, рад этилган ёки ҳаракатсиз қолдирилган тўғрисидаги маълумот веб-саҳифада акс этади. Натияжада судга муносабат қилган фуқаро суднинг ажримини билан танишиш ва уни чиқариб олиш имкони пайдо бўлади.

Бундан ташқари тизимнинг яна бир қўлай жиҳати шундаки, тарафлар даъво аризаси топширилишига қадар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан тегишли масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар, суд амалиёти билан танишиш, ўрганиб чиқиш ҳамда даъво аризаларини қаноатлантириш эҳтимолини баҳолаш учун суд қарорлари билан танишиш имкониятига эга. Бунда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган.

Тизимда интернет тармоғига уланishi имконияти бўлмаган фойдаланувчилар инобатга олинган ҳам эътиборга моликдир. Масалан, бундай фойдаланувчилар учун лойиҳа доирасида махсус ахборот киосклари фуқаролик ишлари бўйича судлар бино-

сига жойлаштирилади. Фуқаро мазкур киоск орқали ўзини қизиқтирган масала тўғрисида, шунингдек, ўз муносабати қачон судда қўрилиши, агар қўрилган бўлса, суд қарори, унинг қонуний қушга кирган-қирмагани, ижрога юборилган-юборилмагани ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга.

E-sud тизимининг энг муҳим жиҳатларидан бири шунки, судьялар ишни электрон ҳолда, яъни қоғоз папкаларсиз ўрганиши, қўриб чиқиши, қарор қабул қилиши мумкин. Айни чоғда, мазкур тизим қуш залига уланиб, маълум кунда қўриладиган фуқаролик ишлари рўйхати, зал рақами ҳамда ишни қўриётган судьянинг исми-фамилияси мониторинг орқали кўрсатиб борилади.

E-sud тизимининг "Электрон ҳисобот"и эса, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳисоботларини автоматик тарзда шакллантиришга мўлжалланган. Ушбу тизимни мамлакатимиздаги судларга жорий этиш орқали фуқаролик ишлари бўйича судларнинг статистик ҳисоботларини марказлаштириш ва биринчи инстанция судьяси иштирокисиз йиғиш ҳамда шакллантириш мумкин. Яъни судларга келаётган ахборотларни йиғиш, сақлаш, тоифалаштириш, ҳисобот юритиш ишлари автоматик равишда амалга оширилиб, бу суд ходимлари ва судьяларнинг вақтини тежайди ҳамда суд ҳисоботларининг аниқлигини таъминлайди.

Ушбу тизим тўлиқ йўлга қўйилгач, судлар томонидан кўрсатиладиган қатор хизматлар интерфаол шаклга ўтади. Давво аризаси ва илтимосномаларни ёзиш, фуқаролик ишлари бўйича судларга топшириш, судда қўриладиган қуш ва вақти ҳақидаги маълумотларни ҳамда ажримлар ва суд ақларини олиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита интернет орқали бажарилади. Фуқаролик ишлари материаллари билан танишиш ҳамда судлар ҳақида маълумот олишда ҳам ундан фойдаланилади. Табиийки, бундай қўлайликларга эга бўлган тизимнинг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

E-sud тизими амалиётга жорий қилинган, аввало, интернет тармоғи орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сони, яъни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида даъво аризалари ва илтимосномаларни топшириш, қўриладиган иш ҳақида маълумотни ҳамда судлар томонидан қабул қилинаётган процессуал ақларни олиш қўламини кенгайтирди. Судлар фаолиятида қоғозсиз ҳужжат алмашинуви йўлга қўйилди.

Шунингдек, судлар ва суд ижрочилари ўртасида маълумот алмашинувини тезлаштириш орқали суд қарорлари ижросини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳаражатларини қаматириш, томонларни судда ишни қўриб чиқиш санаси ва вақти ҳақида хабардор этишининг самарали тизими йўлга қўйилди.

Мазкур янги тизим ҳозир фуқаролик ишлари бўйича Зангиотла туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда. Синов жараёнида муваффақиятли ўтгач, у бутун мамлакатга татбиқ этилади.

Умуман олганда, E-sud электрон судлов тизими суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислохотларни янги бошқича қўтаришга, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Зеро, юртимизда амалга ошириладиган ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд судьяси, лойиҳа миллий координатори

Mezon

Фарзанд тарбияси

унга ҳар биримиз масъулмиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, Ўткир ёшлигидан ўйинқороқ бўлиб ўсди. Оилада ёлғиз ўғил бўлгани учун ёки отасиз ўсаётгани сабабми, онаси доимо унинг қўнғилига қараб иш тутарди. Ўткирнинг тарбиясидаги бу кемтиклик кейинчалик салбий оқибатларни келтириб чиқарди. У ўн беш ёшидаёқ жиноий қилмишга қўл урди. Фақат у Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори асосида жазодан озод қилинди.

Бу унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун берилган имконият эди. Бироқ бундан тўғри хулоса чиқариб олмаган Ўткир

бирор-бир фойдали иш билан шуғулланишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Унинг тақдири онасини ҳам, қариндош-уруғлару маҳалладагиларни ҳам ташвишга солмади. Тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўсмир яна жиноятга қўл урди. Шаҳарда яшовчи холасиникига меҳмон бўлиб келган Ўткир ҳамма ухлаб ётган пайтда холасининг 500.000 сўмлик уяли телефон аппаратини ўғирлаб, қочиб қолади. Бунинг устига у қариндошлари олдида юзи шувут бўлиб уйга қайтган онасини "Телефонни холамга қайтариб бердим", дея алдайди. Аслида у уяли телефон аппаратини бозорга олиб бориб, нотаниш кимсаларга сотиб

юборади. Тез орада унинг бу қилмиши фож бўлиб, телефон ўз эгасига қайтарилди. У суд ҳайъатига ўз қилмишидан қаттиқ пушаймонлигини айтиб, келгусида яхши инсон бўлишга сўз берди. Бунинг инобатга олган суд ҳайъати Ўткирга тўғри йўлни топиб олиши учун яна бир бор имконият беришни лозим топди. Тайинланган икки йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартлига айлантрилиб, бир йил синов муддати белгиланди ва унга жамоат тарбиячиси тайинланди.

Албатта, Ўткирга ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун яна бир марта имконият берилди. Бундан нафақат

унинг ўзи, балки онаси, қариндошлари, маҳалла-қўй ҳам тегишли хулоса чиқариши керак.

Зеро, фарзанд тарбиясига ҳар биримиз масъулмиз.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, Жиноят-процессуал кодексининг 60-бобида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг алоҳида процессуал тартиби белгиланган. Бу ҳақиқатни аниқлаш, вояга етмаганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд ишлари юритувининг профилактик таъсирига доир қафолатларни ўз ичига олади. Ушбу қоидалар суд иш юритувида оид умумий қоидаларнинг ўрнини босмайди, балки

қўшимча қафолатлар сифатида хизмат қилади.

Хусусан, судлар вояга етмаган шахсининг ишини кўришда унинг шахсини ифодолашчи маълумотлар билан бирга жисмоний ривожланиши ва саломатлигини, яшаш шароитини, ўсаётган муҳити, оиласи ва атрофдагиларга муносабатини, тарбиясини, жиноят содир этиш мотивларини, сабабларини, жиноят содир этишда катта ёшдагиларнинг таъсири бор-йўқлигини аниқлаши зарур.

Хулоса қилишда шуни айтиш жоизки, ёш авлоди жисмонан соғлом, ақлдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш зиммиздаги энг долзарб вазифалардан биридир. Шундагина энг олий мақсадимиз — озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга муносиб улуш қўшган бўламиз.

Қахрамон ЎЛЖАЕВ,

жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раисининг ўринбосари

— дахлсиз

фуқароларнинг бу ҳуқуқлари судлар томонидан изчил таъминланмоқда

Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан берилган 669-сонли маълумотномага кўра, низоли бўлган уй-жойда даъвогар рўйхатда туриши, унинг қизи ва вояга етмаган ўғли рўйхатдан ўтмаган ҳолда яшаб келаётгани кўрсатилган.


Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жиноят ишлари бўйича туман судининг ҳукмига кўра, жавобгар А.Ортиқова айбдор деб топилди, унга нисбатан 15 миллион 730 миң сўм жарима жазоси тайинланган.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахсининг

ўзига қарашли бўлган мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, даъвогар низоли уй-жойнинг мулкдори ҳисобланади ва у мазкур мулкка эгаллик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этишга ҳақлидир.

Суд иш бўйича тўпланган ҳужжатларни таҳлил этиб, даъвогарнинг жавобгарлар А.Ортиқов, М.Ортиқова ва давлат нотариал идорасига нисбатан "Уй-жойнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида"ги даъво аризаси ва "Ишончномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида"ги қўшимча даъво аризасини қаноатлантириб, даъвогар томонидан берилган ва 2009 йил 24 декабрь кунини давлат нотариал идорасида қайд қилинган ишончномани, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топган.



Зеро, Фуқаролик-процессуал кодексининг 123-моддаси 1-қисми талабига кўра, алдаш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, бир тараф вакилнинг иккинчи тараф билан ёмониятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқўлай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Фахриддин ХАЙДАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди раисининг ўринбосари

2013-yil — Obod turmush yili

Аҳоли фаровонлиги юксалмоқда

(Давоми. Бошланғич бинчи бетда)

Дастурда туман балансидаги 6,5 километр хўжаликларора ички, 2,2 километр умумийдаланувдаги автомобиль йўллари тўла ва жорий таъмирлаш белгиланган эди. Утган вақт мобайнида ички йўллари таъмирлаш ва янгиликларни қуриш ишлари ниҳоясига етказилган бўлса, умумийдаланувдаги йўлнинг 1,2 километри асфальтланди. Қолган бир километрини 10 декабрда яқинлаш чоралари кўрилмоқда.

Маҳаллаимиз марказидан ўтган ички йўлнинг торлиги, ёзда чанг, қишда лой бўлиши аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракатига ноқулайлик туғдиради, — дейди "Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Равшани Ризаматов. — "Обод турмуш йили" да бу муаммолар бартараф этилди — йўлимиз кенгайтирилиб, асфальт қилинди. Бундан барча миннатдор.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қарори асосида 2009-2012 йилларда туманда намунавий лойиҳалар асосида бир юз етмишдан ортиқ уй қурилди. Бундай уй-жойларга қизиқмай ва талабнинг ортиб бораётгани ҳисобга олиниб, 2013 йилда 237 замонавий уй бунёд этилмоқда. Қурилиши ниҳоя-



сига етган уйлар биринкетин фойдаланишга топширилмоқда.

— Кунга кеча "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйлардан бирига ўғлим Умиджон оиласи билан кўчиб ўтди, — дейди 74 ёшли Таштанбой Абдасов. — Ҳовли тўғри қилдик. Фарзандларимнинг янги уйида яратилган шароит ва қулайликлардан ҳайратда қолдим. Болаларимнинг шундай шароитларда яшашидан қалбим ифтихорга тўлди.

Янги массивда озик-овқат дўкони, дорихона, новвойхона ва маросимликлар зали фаолиятга йўлга қўйилган. Автомобиллар учун тўхташ жойи ва ҳар бири қарийб 20 сотихли иккита боғ бунёд этилган.

Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, турли аттракционлар ўрнатилган болалар боғи ҳам аҳоли хизматида.

Туманда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам изчил ривожланиб бормоқда. 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойида саксонга яқин замонавий савдо, маъшии ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Аҳолига катта қулайлик туғдираётган ушбу объектларнинг фаолият бошлаши натижасида бир юз йигирма нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси доирасида туманда уч минг етти юздан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бу 2013 йилнинг ўтган ўйи учун белгиланган режа бажарилганидан

далолатдир. Ташкил этилган иш ўринларининг асосий қисми янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжудлари фаолиятини кенгайтириш, уй меҳнатининг барча шакллари, инфратузилма ва саноатнинг янги тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига тўғри келмоқда.

2013 йилнинг ўтган даврида туманда ўз бизнесини йўлга қўйиш ис-тагида бўлган 11 нафар коллеж битирувчиси ҳамда 39 нафар уй бекасига тижорат банклари томонидан бир юз эллик миллион сўмдан зиёд кредит ажратилган.

"Наврўз" маҳалласида яшовчи Нодира Дадахўжаева ана шундай молиявий кўмақдан баҳраманд бўлганлардан бири. У

"Микрокредитбанк"нинг Юқори Чирчиқ филиалдан 2 миллион сўм кредит олиб, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

— "Обод турмуш йили" да яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим, — дейди Н.Дадахўжаева. — Банкдан олган кредит эвазига печ ва бошқа ошхона техникалари харид қилдим. Тайёр маҳсулотнинг бир қисмини бозорга сотамиз, бир қисмини буюртма берган аҳоли ва ташкилотларга етказиб берамиз. Бу ишда менга фарзандларим ва турмуш ўртоғим кўмақдош. Меҳнатимиз орқасидан дастурхонимиз тўқин, турмушимиз обод бўлмоқда. Шундай шароит ва имкониятлар яратилишининг ташаббускори Президентимиздан миннатдоримиз.

Туманда қурилиш материаллари, турли мато ва маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган "Юқори Чирчиқ металл инвест", "Ирода файз савдо", "Берад текс" масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятининг кенгайтирилиши, чойнак-пиёла, ликопка, сопол идишлар ҳамда пайпоқ тайёрланадиган "Бест пласт", "Голд паритет", "Korteks socks", "Nana Taekand" каби корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига бир юз олти мишдан зиёд янги иш ўрни очилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, инфратузилма ва саноатни ривожлантиришда Президент-

миз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 12 июлдаги 2013 — 2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги ҳамда 6 августдаги 2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари оид қарорлари муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Обод турмушининг муҳим шартларидан бири бўлган инсон саломатлигини мустаҳкамлашга туманда устувор вазифа сифатида қаралади. Туман тиббиёт бирлашмаси, туғруқ бўлими ҳамда етти қишлоқ врачлик пунктнинг иситиш тизими кувурлари алмаштирилиб, замонавий қозонлар ўрнатилди. Айни пайтда инвестиция дастури асосида янги қиёфа касб этаётган туман марказий шифохонаси ва поликлиникаси учун 128 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва мебеллар тўплами харид қилинди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва савиясини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар туфайли кейинги йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда улкан ижобий натижаларга эришилмоқда.

Бундай бунёдкорлик, ободончилик ишлари аҳоли қалбида фахр-ифтихор, шукроналик туйғуларини кучайтириб, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Холмурод САЛИМОВ,
журналист

Ғаройиб олам

Маълумки, бу дунёда ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида рагон йўллар муҳим ўрин тутаяди. Шу боис ҳам дунёда қадимдан текис ва рагон йўллар барпо этишга алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Биз билган ва билмаган дунё САРҲАД БИЛМАС ЙЎЛЛАР

Масалан, дунёдаги энг қадимий йўл тахминан 6000 йил муқаддам барпо этилган бўлиб, у ўтган асрнинг 70 йилларида Буюк Британия ҳудудида топилган. Бу йўл тахта бўлақларидан ясалган бўлиб, айрим жойларда у сув устидан ўтган ва илк кўприклар ҳам ўша пайтда ихтиро қилинган.

Инсоният тарихида илк тош йўл қадимги Мисрда қурилган бўлиб, унинг узунлиги тахминан 12 қақиримга тенг бўлган. У катта тош бўлақларини ташиш учун мўлжалланган бўлиб, олимларнинг фикрича, Миср эҳромларини барпо этиш учун улкан тошлар айнан мана шу йўллар орқали олиб ўтилган.

Айтиш керакки, йўл қуриш борасида қадимги римликлар ҳам анчагина юқори натижаларга эришган. Масалан, эраимиздан аввалги 312 йилда "Аппи йўли" деб ном олган ўзига хос трасса қадимги Рим, Греция, Миср ва кичик Осиё давлатлари билан алоқа боғлашга хизмат қилган. Бир неча тош қават ва шағалдан иборат бўлган бу йўлнинг кенглиги 4 метр бўлиб, унда иккита от-арава бемалол ҳаракатланган.

Йўллар ҳақида фикр юритганда, ерости йўллари ҳам ўзининг қизиқарли ва ғаройиб тарихи билан киши эътиборини ўзига тортади. Масалан, дунёдаги энг қадимий ерости йўли Европада, аниқроғи, Франциянинг Тулон шаҳрида 1381 йили барпо этилган ва ундан бугунги кунга қадар фойдаланиб келинади. Бу ерости йўлининг узунлиги 157, 3 ми метрдан иборат. Қизиқ томони шундаки, бу ерости йўли шу пайтга қадар бирон марта ҳам қайта таъмирланмаган, аниқроғи, бунга эҳтиёж сезилмаган.

Сайёрамиздаги энг кенг кўча Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳрида жойлашган. Узунлиги 2,4 километр келадиган бу кўчанинг эни 250 метрга тенг. Инсоният тараққиёт топгани сари йўллар бўйлаб ҳаракат қилиш тезлиги ҳам ошиб борган. Автобан, яъни тез ҳаракатланиш учун мўлжалланган автомобиль йўлининг ватани сифатида кўпинча Германия тилга олинса-да, аслида илк автомагистрал Италияда пайдо бўлган. Мазкур йўл 1924 йил 21 сентябрда очилган бўлиб, Милан ҳамда Варезе шаҳарларини боғлашга хизмат қилган. Том маънодаги автобан эса, Германияда 1932 йилда қуриб битказилган ва у Кёльн ҳамда Бонн шаҳарларини боғлаб туради.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, автобан барпо этишдан кўзлан-

ган асосий мақсад — автотомобилларнинг бир текис ҳаракатланишини таъминлашдан иборатдир. Айнан шу боис замонавий автобанлар кесилган йўллар ва кескин бурилишларга эга эмас. Бундай йўлларда тўхташ ва ўнг томондан ўтган ва илк кўприклар ҳам ўша пайтда ихтиро қилинган.

Дунёдаги энг узун автобан йўллари тармоғи АҚШ ҳудудида барпо этилган бўлиб, йўлларнинг умумий узунлиги 6,4 миллион километри ташкил этади. Бу борада Хитой иккинчи ўрнини эгаллайди. Бу мамлакатдаги йўлларнинг умумий узунлиги 3,5 миллион километри ташкил этади. Умуман айтганда, дунёдаги йўлларнинг умумий узунлиги 25 миллион километри ташкил этади.

Дунёдаги энг узун автотрасса Пан Америка шоссеси бўлиб, у 1963 йилда ишга туширилган. Бу автотрассанинг узунлиги 47958 километр бўлиб, у ўн тўртта мамлакат ҳудудини кесиб ўтади. Аниқроғи айтганда, Канаданинг шимолидан бошланувчи бу автотрасса Аргентинанинг жанубида тугайди, икки қитъа, яъни шимолий ва жанубий Американи бириктириб туради. Бу борада Австралия Хайвее иккинчи ўринни эгаллайди, унинг узунлиги 14500 километри ташкил этади.

Дунёдаги энг баланд нуқтада жойлашган йўл эса, Қора-қурум шоссеси бўлиб, у Покистон пойтахти Исломободдан бошланиб, Хитой ҳудудида тугайди. Бу йўлнинг энг баланд нуқтаси 4693 метрни ташкил этади. Бу шоссе 21 йил давомида қурилган, уни барпо этиш учун 3 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланган.

Бу дунёда ғаройиб, бир қарашда, кишига антиқа туюладиган йўллар ҳам учрайди. Масалан, Япониянинг Осака шаҳрида 16 қаватли бинонинг 4 ва 8 қаватларидан ўтадиган йўл мавжуд. Маълум бўлишича, 1983 йилда шаҳарда кўп қаватли бино қуриш режалаштирилган бир пайтда шу ернинг ўзидан автомобиль йўлини барпо этиш кўзда тутилган. Бир муноза жиддий музокалардан сўнг йўл бинони кесиб ўтиши тўғрисидаги келишувга имзо чекилган. Бинони ташқаридан келувчи шовқин ҳамда силкинишлардан ҳимоя қилиш учун уни махсус қоплам ҳимоя қилиб туради.

Интернет материаллари асосида ШаҳЛО ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Sabot

Эгри йўл бошни эгади

Ҳаётда ўзгаларни алдаш орқали ўзининг ғаразли ниятини амалга оширадиган кимсаларнинг учраб туриши афсусланарлидир. Масалан, Алишер Насимов (исм-шарифи ўзгартirilган) мутахассислиги бўйича Жалақудуқ туман электр тармоқлари корхонасида назоратчи сифатида тушпа-тузуқ фаолият юритиб келаётганди.

Бирок кейинчалик уни нафс кутқиси тўғри йўлдан адаштириди, у кўпроқ пул топиш йўллариини излаб бошлади. Кунларнинг бирида А.Насимов ҳаммаси Даврон Мамадалиев билан суҳбат асосида кўнглининг бир тубига тугиб қўйган ғараз ниятини ошкор қилди. Буни қарангки, уларнинг фикри бир жойдан чиқиб, икки ҳамтавоқ ўзаро жинойи тил бириктиради.

Тез орада икки ҳамтавоқ ушбу қабих режани амалга оширишга киришади. Улар ўзларига бириктирилган ҳудудда истиқомат қилувчи У.Ҳасановага тегишли электр ҳисоблагични кўздан кечиравтиб, электр ҳисоблагичнинг давлат муҳри бузилганини айтишдаи ва хонадон соҳибасидан 490.000 сўм миқдориди жарима тўлашини талаб қилишади.

Бунга жавобан У. Ҳасанова назоратчиларга электр ҳисоблагичдаги давлат муҳрини ҳеч ким бузмаганини айтиди. А.Насимов У.Ҳасанованинг ҳадиксираб турганидан фойдаланиб, унга ёрдам бермоқчи эканини, факат бунинг эвазига 100 АҚШ доллари бериши лозимлигини уқтиради.

Ноилроқ қолган хонадон соҳибаси уларнинг таклифига рози бўлди ва айтилган пулни бир-икки кундан сўнг беришини айтиди. Икки ҳамтавоқ эртаси кун мўмайгина пулни кўлга киритиш мақ-

садида У.Ҳасанованинг уйига келишади. Уй бекаси аввалдан тайёрлаб қўйилган 100 АҚШ долларини Д.Мамадалиевнинг қўлига тутқазади.

Бирок икки ҳамтавоқ ҳали У.Ҳасанованинг хонадонидан узоклашмишга улгурмай туриб, СВӨЖДЛҚК департаменти ходимлари томонидан қўлга олинди. Улар ҳолилар иштирокида текширувдан ўтказилганда, У.Ҳасановадан олинган, махсус ишлов берилган 100 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилган суриштирув ва текширув жараёнида уларнинг барча қилмиши ошкор бўлди ва А.Насимов ҳамда Д.Мамадалиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани суди ушбу жиноят ишини атрофлича қўриб чиқиб, айбдорларга қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзгаларни алдаш орқали мулклий наф қўришга уринганлар, эртамикечми, бундан қаттиқ афсус чекади. Шу боисдан ҳам доимо виждон амрига бўйсуниб яшаш, ҳалол रिққ умримиз зийнати эканини асло унутмайлик.

Равшан СУЛТОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судининг раиси

Ўтган йил сентябрь ойининг сўнги кунларидан бири эди.

Кун пенинга оққан. Ички ишлар тергов идорасига Қизилтепа билан Когон туманлари чегарасида, "Аму-Бухоро" канали яқинида қотиллик жиноятти содир этилганлиги ҳақида хабар келди. Шундан сўнг ушбу жиноятни очиб ва жиноятчиларни аниқлаш бўйича тезкор гуруҳ тузилди.

Тезкор гуруҳ аъзолари жиноят содир этилган жойга зудлик билан етиб боргач, аяқли манзаранинг гувоҳи бўлишди: "Нексия" автомашинасининг ҳайдовчиси руль чамбарагини тутганча, қонга беланган ҳолда жон таслим қилганди. Тез орада марҳумнинг шахси аниқланди. У Бухоро шаҳрида яшовчи Аҳмад Набиев (исм-фамилиялар ўзгартirilган) экан.

Айтиш керакки, суриштирув жараёнида марҳумнинг шахсига доир маълумотларга эътибор қаратилди, атрофлича таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, марҳум А.Набиев нафақага чиққач, ўзининг шахсий "Нексия" автомашинасида киракашлик билан шуғулланиб келган. Хорижий давлатларнинг бирида ишлаётган ўғли билан қизи унинг номига пул юбориб туришади.

Демак, бу жиноятга қўл урган кимса А.Набиевнинг катта миқдорда пули борлигидан хабардор бўлган. Ҳўш, А.Набиевнинг бойлигини жинойи йўл билан қўлга киритмоқчи бўлган кимсалар ким? Бу савол тергов идораси ходимларини ҳам, А.Набиевнинг яқин қариндошларини ҳам ўйга солиб қўйганди.

Табииийки, тергов идораси томонидан А.Набиевни яқиндан таниган шахслар бир-бир ўрганиб чиқилди. Ана шундай суриштиришлар жараёнида қўшни хонадонда истиқомат қилувчи, 1956 йилда туғилган, етти нафар фарзанди билан турмушидан ажралган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан жинойи жавобгарликка тортилган Хонгул

Jinoyat va jazo

Гумроқлик

Жабборова гуруҳ аъзоларида шубҳа уйғотди.

Олиб борилган тезкор ҳаракатдан сўнг қалавонинг учи топилди. Хонгул Жабборова Гулшода Умрзоқова билан Бобошер Холжигитовнинг номини тилга олди...

Шу ўринда ушбу жиноятни содир этишда гумон қилинувчи сифатида номи тилга олинган Гулшода Умрзоқова ҳақида батафсил тўхталадиган бўлса, у энгил-епли кун кечиршига одатланганди. Аниқроқ айтганда, у ҳали ўн етти ёшга тўлмаётган жинойи қилмишга қўл урган, факат суд унинг ёшини инобатга олиб, шартли жазо тайинлаган эди. 2002 йилнинг декабрь ойида Гулшода Шавкат исмли йигит билан хорижга ишлагани кетади. Шавкат қурилишда ишлади. Гулшода эса, бозорда кийим-кечак сотиш билан шуғулланади.

2003 йилнинг ёзида Гулшода ўзи ижарада яшаётган уйда қўшниси Люба билан аввалгига спиртли ичимлик истеъмол қилади. Кейин улар нимагадир гап талашиб қолишади. Шунда Гулшода Любанинг жонига қасд қилади. Хорижда Гулшодага бу қилмиши учун тўққиз йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Гулшода жазосини ўтаб бўлгач, Бухорога қайтиб келади. У бир кун қўчада тасодифан Бобошер исмли йигит билан танишиб қолади. Кунларнинг бирида Гулшода Бобошерга онасини даволатиш учун пул зарурлигини, бироз вақт ўтгач, уни қайтариб беришини айтиди. "Пул тўлиб беришга қурби етадиган бир аёл бор, исми Хонгул. Сени шу онахон билан таништириб қўяман", дейди Бобошер унга жавобан. Гулшодага пул зарур эканлигини Бобошер Хонгулга аллақачон айтган экан. Улар учрашишгач, Хонгул бирдан муддаога кўчди:

— Сен менга ёқиб тушдинг, — деди у Гулшодага. — Менинг бир

жияним бор. Яқинда машинасини сотди, пулини уйда сақлаб қўйган...

Шундан сўнг Хонгул Гулшодага жиянининг уйини кўрсатиб, пул ва қимматбаҳо тақинчоқларни ўмара олса, тенг иккига бўлишини айтиди. Эртаси кунни улар Бобошернинг "Жигули"сида Хонгул айтган манзилга етиб боришди. Бирок хонадон бекасининг уйдалиги ғаразли мақсадни амалга оширишга йўл бермади.

— Яна бир жой бор, — деди Хонгул жинойи гуруҳ аъзоларига далда бергандек. — Бир кампир билан бобонинг болалари ҳар ойда хориждан катта миқдорда пул юбориб туришади. Улар одамларга фоизга қарз беришади. Балки...

Шундан сўнг Хонгулнинг ўзи жинойи гуруҳ аъзоларини айтган манзилга бошлаб боради. Хонгул шеърликларини машинада қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетади. У ўн беш дақиқалардан сўнг қайтиб чиқади ва "уйда одам бор экан" дейди.

Жинойи гуруҳ аъзолари ёвуз ниятлари амалга ошмай қолгани туфайли бир-бирларига ёзирган кўйи ортага қайтишади. Йўл-йўлақай олдинги ўриндиқда ўтирган Хонгул Гулшодага юзланади:

— Яна бир кекса киши бор, у киракашлик билан шуғулланади, пулини машинасида олиб юради. Лекин у фақат шаҳарда хизмат қилади. Уни алдаб шаҳардан ташқарига олиб чиқсақ, "ўлжа" бизники бўлади...

(Давоми келгуси сонда)

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири



Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шононус ҒАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмуҳин ЁДГОРОВ
Иқром МУСЛИМОВ
Файрат ХИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-маъба ақциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6218.
1 2 3 4
Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰